Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 17-iyun • Seshanba • 74 (27.879) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади».

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР САРЧАШМАСИ

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз истиқлол байрамининг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг саховатли заминимизда яшайдиган жамики ватандошимиз ҳаётида тутган ўрнини, ўтган аср сўнггида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англаймиз.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана — истиқлол байрамининг 17 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деган эзгу ғояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш белгиланган.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қила олдик.

Мустақиллик туфайли бизни жаҳон танимоқда, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати олам узра ёйилмоқда.

Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар туфайли эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, йўлбошчимиз Ислом Каримов тарихий сана — 1991 йил 1 сентябрни Ватанимиз мустақиллиги куни, деб эълон қилганидан кейин Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга юз очди. Жаҳон жамоатчилиги Марказий Осиё минтақасида улуғ аждодлари башарият цивилизацияси, илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган мамлакат ва халқ борлигидан, янги мустақил давлат пайдо бўлганидан хабар топди.

Ҳали-ҳануз эсимда. Биз, бир гуруҳ журналистлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири — Америка Қўшма Штатларига сафар қилган эдик. Ўшанда турфа касб ва дунёқарашга эга, турли соҳаларда фаолият кўрсатадиган америкаликлар билан кўп учрашув ва суҳбатларда бўлдик. Табиийки, улар танишиш асносида бизнинг қайси мамлакатдан келганимизни сўрашар эди. Айтсак, бу қандай мамлакат экан, дея ўйлаб қолишарди. Тарихий шаҳарларимиз — Самарқанд ва Бухоро, пойтахтимиз Тошкент номлари тилга олинганидан сўнггина, ҳа, бошида шуни айтмайсизларми, деб жилмайиб қўйишарди. Уларга табиий захираларимиз, хусусан, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда бешинчи, олтин қазиб олиш бўйича еттинчи-саккизинчи, унинг захиралари бўйича бешинчи ўринда туриши, иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берганимизда, улар жаннатмонанд юртимизни кашф этгандек бўлишар, «Қаранг, билмас эканмиз-а!» дея хижолат тортишар эди. Хорижий мамлакатлар билан савдо оборотида ижобий қолдиққа эгалигимизни, бир цент ҳам ташқи қарзимиз йўқлигини эшитиб, ҳайратга тушишарди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — ЛОНДОНДАГИ ДАВРА СУҲБАТИНИНГ БОШ МАВЗУСИ

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида «Марказий Осиё хавфсизлиги ва Афғонистондаги барқарорлик омиллари» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия расмий ва эксперт доиралари вакиллари, жамоат арбоблари, шунингдек, дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари эътиборига минтақада сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлаётган Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барқарорликни таъминлаш борасидаги сиёсати ҳақида маълумотлар ҳавола этилди. Жумладан, мамлакатимиз мазкур соҳада қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб, уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келаётгани таъкидланди.

Анжуман қатнашчиларига Президент Ислом Каримов томонидан Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммити чоғида илгари сурилган ташаббуслар, хусусан, «6+3» кўринишидаги мулоқот гуруҳини қайта тиклаш, унинг асосий вазифалари ҳамда ҳаракат механизмлари ҳақида батафсил сўзлаб берилди.

Учрашувда британиялик таниқли олимлар — Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби маърузачиси Ш.Акинер ҳамда Кент университети илмий ходими, «Жеймстаун жамғармаси» эксперти Р.Мақдермот маруза қилди. Улар 29-30 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш муаммолари» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этган эди.

Ўз чиқишларида олимлар Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари жуда ўринли ва аниқ мақсадга йўналтирилганини қайд этди. Британиялик тадқиқотчиларнинг айтишича, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги таклифлари Буюк Британияда катта қизиқиш уйғотди. Тошкент конференциясида ушбу мамлакатнинг олим ва экспертлари фаол иштирок этгани ҳам бу фикрнинг яққол далили бўла олади.

Тошкент конференцияси хусусида гапириб, Ш.Акинер анжуман турли томонларнинг Афғонистон муаммоси борасидаги нуқтаи назарларини яхшироқ тушуниш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалаларидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлади.

— Анжуманда муҳокама қилинган масалалар кенг миқёсда қамраб олингани, иштирокчиларнинг профессионал даражаси ва фаоллиги, шунингдек, уларнинг аксарияти ўз мамлакатларида йирик сиёсий экспертлар бўлиш билан бир қаторда сиёсий доираларда катта нуфузга эга экани конференциянинг ўзига хос жиҳатларидан бўлди, — дейди Ш.Акинер. — Халқаро ҳамжамият Ўзбекистон ташаббусларининг аҳамиятини тўғри баҳолаши ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишида айнан Ўзбекистоннинг ўзи етакчи ўринлардан бирини эгаллаши даркор.

«Жеймстаун жамғармаси» эксперти Р.Мақдермотнинг фикрича, Афғонистондаги вазият инобатга олинадиган бўлса, НАТО, аввало, минтақада стратегик аҳамият касб этувчи Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиши лозим. «Бунда албатта, Марказий Осиё давлатлари манфаатлари ҳисобга олиниши даркор», — дея таъкидлади олим.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгаши ҳамраиси Х.Бутнинг фикрича, иқтисодий бекарорлик ва наркотик моддалар тарқалиши Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган асосий омиллардир.

«Шу маънода мазкур муаммолар Тошкент конференцияси иштирокчилари диққат марказида бўлгани эътиборга молик», — деди Х.Бут.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун халқаро ҳамжамиятнинг ушбу мамлакатга доир стратегиясини янгилаш ва бунда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисидаги фикрни давра суҳбати иштирокчилари тўла қўллаб-қувватлади.

«Жаҳон» АА.
Лондон.

Тадбир

СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР

ҳамкорлиги яхши самара бериши мумкин, деб таъкидланди семинарда

Фуқароларимизнинг қонунни билиши ва унга итоат қилиб яшаши ҳуқуқий маданият ифодасидир. Демак, қонунни билган — ҳурмат қилган киши, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олади, фуқаролар ҳуқуқий маданиятли бўлган жамият эса юксалади. Ана шу мақсад йўлида бу йил Адлия вазирлиги раҳбарияти ажойиб ташаббус билан чиқиб, «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида мунтазам семинарлар ўтказаяпти. Айтиш керакки, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда ҳамкорлик яхши самара беради.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этган навбатдаги тадбир янада қизиқарли ўтди. Тадбир қатнашчилари мазкур департамент фаолияти билан яқиндан танишдилар. Учрашувда бу соҳа фаолияти таҳлил қилинган мақолалар кам экани таъкидланди. Суд департаменти билан журналистлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш кераклиги қайд этилди.

Жамиятда қонун устуворлиги ва уни таъминлашда суд департаменти фаолиятини кўрсатувчи мақолалар, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар халқчил, содда тилда бўлса, бу жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бунда журналистнинг маҳорати ва малакасига кўп нарса боғлиқ.

Равшан ШОДИЕВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги олдидан

ЭҲТИРОМ

Ўтган аср бошларида тараққийпарвар жадидлар томонидан асос солинган Ўзбекистон Миллий университети аждодларимизнинг кўп асрлик маърифий анъаналарини бағрида асраб, уни ривожлантириб келаётган мумтоз ва муқаддас кошона ҳисобланади. Ушбу олий даргоҳ ташкил этилганидан буён унинг бағрида қанчалаб илмий-маданий муассасалар, олий ўқув юртлари қад кўтарди. Бугун мамлакатимиздагина эмас, балки Марказий Осиёдаги ўнлаб илм-фан, таълим-тарбия, маданий-маърифий муассасаларнинг илк замини шу маскан, десак, ҳеч бир муболаға қилмаймиз.

Шу маънода, Президентимиз Фармони билан ушбу ўқув даргоҳига «Миллий университет» мақомининг берилиши, жорий йил 12 апрелда эса «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Қарор қабул қилиниши ёшларимиз таълим-тарбиясида, халқимиз маънавий ҳаётида бу илм даргоҳининг муносиб ўрни борлигининг ёрқин эътирофи, шу билан бирга, фидойи олим ва зиёлиларимиз, заҳматкаш профессор-ўқитувчиларнинг шарафли меҳнатларига кўрсатилган яна бир юксак эҳтиром бўлди.

2-бет

МЕҲР МАСКАНИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ 2
Наманган шаҳрининг 6-кичик даҳасида жойлашган 6-сонли Меҳрибонлик уйида 7 ёшгача бўлган 47 нафар кичкинтой тарбияланади. 106 нафар врач-ҳамшира, тарбиячи-педагог ва энага куну тун уларга парвона.

НЕФТЬ ТАНҚИСЛИГИ ТАҲДИД СОЛАДИМИ? 3

ҚИШЛОҒИМИЗ ЁШЛАРИ 4
нафақат ўз орзу-интилишлари, балки атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқдалар, — дейди Арнасой туманидаги «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Улуғбек ҚУЧҚОРОВ

«Истиқбол» ташаббуси

ИНСОНПАРВАРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Юнусобод туман кенгашида Халқаро донорлар кунига бағишланган акция бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ва қанотнинг Тошкент шаҳридаги етакчилари иштирок этдилар.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг бир қисми камқонликдан азият чекаяпти. Мамлакатимизда болалар, туғруқ ёшидаги аёллар орасида қон билан боғлиқ касалликларга чалиниш ҳоллари учраб туради ва улар донорлар ёрдамига муҳтож. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, гематологик касалликларни қон компонентларисиз самарали даволаб бўлмайди. Қон компонентларининг ягона манбаи — донорлардир. Шу боис мамлакатимизда оилавий тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш, жумладан, қон компонентлари, препаратлари танқислигини олдини олиш ва хавфсизлигини таъминлаш, беғараз донорлик фаолиятини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг махсус акцияси ҳам бевосита шунга қаратилди. Бу эса ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Акцияда кўплаб ёшлар беғараз донорликни амалга оширдилар. Таббиёт ходимлари донорликнинг қон берувчи соғлигига фойдаси ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР САРЧАШМАСИ

Мустақиллик – бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу гапларга ўн беш йиллар бўлди. Шу ўтган вақт мобайнида юртимизда амалга оширилган туб ўзгаришларни, ўзлигимизни англаш, тарихий қадриятларимизни тиклаш, миллий иқтисодиётимизни шакллантириш, хавфсизлигимизни таъминлаш борасида қилинган саъй-ҳаракатларни, пойтахтимиз Тошкент ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини санаб ўтишнинг ўзиёқ анча вақтни олади. Ана шу эзгу интилишларнинг самараси ўлароқ, шуни тўла фахр ва ифтихор билан айта оламизки, бугун Ўзбекистонни бутун дунё танийди!

Бунга нималар ҳисобидан эришилди? Аввало, мамлакатимизнинг реал имкониятлари, халқимизнинг ўзига хос менталитетини ҳисобга олган ҳолда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган мустақил тараққиёт йўли, ислоҳотларни амалга оширишнинг машҳур беш тамойили ҳаётда ўзини тўла оқлади. Бу ҳақиқат дунё иқтисодчилари ва сиёсат арболари томонидан эътироф этилди.

Тарихан қисқа вақтда нефть, ғалла, энергетика мустақиллигига эришилгани, Асакадаги автомобиль ишлаб чиқариш, Бухородаги нефтни қайта ишлаш, Кўқдумалоқдаги компрессор, Қўнғиротдаги сода заводлари, Шўртангазкимё мажмуи каби энг илғор технологиялар жорий этилган замонавий иншоотларнинг ишга туширилиши, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат», Фарғона нефтни қайта ишлаш, Қизилқумцемент, Навоийцемент каби саноатимизда етакчи ўрин тутадиган заводларнинг бир маромда узлуксиз маҳсулот бериши таъминлангани мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтирди, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Ўзбекистонимизнинг жаҳон хўжалик тизимида, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди.

Мустақил бўлмаганимизда, бундай улуғвор ишларни уддалай олармидик?!

Давлатимиз раҳбарининг сиёсат майдонидаги жасоратли қадамлари, хусусан, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки глобал кўламда хавфсизликни сақлаш, терроризм, экстремизм, сепаратизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдосига қарши биргаликда курашиш, айниқса, қарийб ўттиз йилдан буён осойишталик нималигини билмай келаётган жафокаш Афғонистон заминида тинчликни тиклаш борасидаги таклифлари бутун дунёда акс-садо берди.

Карвон йўли бехатар бўлмас, дейди кўпни кўрган боболаримиз. Халқимизнинг буюк келажак сари залворли қадамлар қўяётганини кўра олмайдиган айрим қабиҳ мақсадли кучлар олий мақсадлар йўлидан оғдиришга, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна солишга, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан чалғитишга, ўрта асрлар жаҳолати даврига қайтаришга бир неча бор уринди. Лекин елкасига озодлик офтоби теккан халқимизнинг оқ-қорани, дўсту ғанимни танигани, ўзи танлаган ҳаётий принципларидан чекинмаслиги, юртимизда ислоҳотларнинг ортга қайтариб бўлмайдиган даражада муқаррарлик касб этгани туфайли улар ғаразли мақсадларига ета олмади. Бу оғир синовларда Йўлбошчимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», деган даъваткор сўзлари барчамизга руҳий мадад, маънавий қудрат бағишлади.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг, таъбир жоиз бўлса, истиқлол йилларида яхши ниятлар билан эккан ниҳолларимиз мева бера бошлаганига — кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурлар ижобий самаралар бераётганига гувоҳ бўласиз. Диёримизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганидан кўзингиз қувонади. Йилдан-йилга кўлами ва миқёси кенгайиб бораётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бу ишлар истиқлол берган имкониятларнинг амалий ифодаси эканини дилдан ҳис этасиз.

Давлатимиз раҳбари, ўтмишини унутмаган, айни вақтда келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган халқ ўз мақсадларига албатта эришади, деган ҳақиқатни кўп такрорлайди. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурлари асосида юзлаб мактаб, лицей ва коллежлар қурилгани, реконструкция ва таъмирдан чиқарилгани, замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлари билан таъминлангани, болалар спорти мажмуа ва иншоотлари барпо этилгани ва бу узоқни кўзлаб қилинаётган ишлар изчил давом эттирилаётгани ана шу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан ёшларимиз билим чўққиларини қунт билан эгалламоқда, ҳунар ўрганмоқда, Ватаннинг эртанги тақдирини ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Кўплаб ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадаларида, дунё миқёсидаги спорт мусобақаларида, санъат бўйича ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, қўлга киритган улкан ғалабалари билан Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёда тараннум этмоқдалар.

Мамлакатимизда 2008 йил Ёшлар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан навқирон авлод манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, нафақат марказ, балки чекка-чекка қишлоқ жойларда яшаётган иқтидор эгаларини ҳам излаб топиш ва рағбатлантириш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасидаги ишлар қамрови янада кенгаймоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган, олижаноб мақсад — «Соғлом зурриёд-соғлом фарзанд-соғлом авлод» концепциясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутадиган «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу борада бажариладиган ишлар кўлами нечоғли улкан эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энг муҳими, мустақиллик туфайли қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижалар ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги ва янада юксак марралар сари илҳомлантирмоқда. Истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган беқиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадрли эканини яна бир карра намоён этмоқда, яқинлашиб келаётган умумхалқ байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси эди. Мустақиллик халқимизнинг кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғидир. Истиқлол халқимиз учун ўз тақдирини ўз қўлига олиш, қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини бергани, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб келаётгани билан қадрлидир. Шу маънода, мустақиллик йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Буларнинг барчаси, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзининг озод ва обод диёри билан фахрланиш ҳиссини, Ватанга муҳаббат туйғуларини юксалтиради. Бу туйғу истиқлол айёми арафасида бўлиб ўтадиган маданий-маърифий тадбирларда, шукуҳли байрам шодиёналарида янада ёрқин тарзда намоён бўлади.

Аҳмад ХЎЖА.
(ЎзА)

ЎзХДП ҳаёти

Наманган шаҳрининг 6-кичик даҳасида жойлашган 6-сонли Меҳрибонлик уйида 7 ёшгача бўлган 47 нафар кичкинтой тарбияланади. 106 нафар врач-ҳамшира, тарбиячи-педагог ва энага куну тун уларга парвона. Хизматчилар сонининг кўплигидан ҳам шу нарса маълумки, бу ерда тарбияланаётганлар махсус қаровга муҳтож ногиронлардир.

МЕҲР МАСКАНИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларининг доимий диққат-эътиборида

— Биз Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан қаровга муҳтож болаларни қабул қиламиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари, врач-невропатолог Назирахон Бозорова. — Уларнинг 8 нафари гапиролмайди, 21 нафари эса юролмайди. Бу болажонлар билан ишлаш жараёнида инсонийликнинг қадр-қимматини, меҳр-муҳаббатнинг нақадар сеҳрли куч ва мўъжизакор қудратга эгалигини дилдан ҳис қиласан.

Очиғи, айтмоқчи бўлган гапларини кўзи, имо-ишора ва ҳаракатлар билан ифодаловчи болажонларни кўриб, бироз кўнглинг ўксийди. Тарбиячи ва шифокор опаларнинг меҳр билан уларга хизмат қилаётганининг, айниқса, яратиб берилган шароитларнинг гувоҳи бўлгач, дилингда ёруғлик туясан, киши.

Бош тарбиячи Зулфия Эгамбердиева, тарбиячилар Муборак Хусанова, Маъсуда Ёқуббоева, логопед Фотимахон Субанова, шифокорлар Маҳфуза Камолова, Насибахон Мирзаевалар жамоанинг жонкуяр ходимлари ҳисобланишаркан.

Яна суҳбатдошимиз Ўзбекистон ХДП вилоят ва Наманган шаҳар кенгашлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганини айтди. «Партия фаоллари, ЎзХДПдан сайланган депутатлар тарбияланувчиларимиз ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади. Энг қувонарлиси, илғор тарбиячи ва шифокорларимизни, болажонларни доим рағбатлантириб келишади. Яқинда ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари вакиллари болалар ҳузурида бўлиб, уларга совға-саломлар улашишди», — деди у.

— Олий ўқув юрти, коллежларда таҳсил олаётган бўлажак тарбиячилар ҳам келиб туришади, — дейди энг ёш ходима Муниса Усмонова. — Чунки қаровга муҳтож болалар билан бирга бўлиш ўта масъулиятли. Мен шу даргоҳда ишлашни ёшлигимдан орзу қилганман. Бунда онам Матлубахон Маҳмудованинг таъсири кўп бўлган. Онам ҳам 30 йил давомида ногирон болалар парвариши билан шуғулланган. Ҳозир Наманган педагогика коллежида сиртдан таҳсил олиш билан бирга, бу даргоҳда тарбиячи сифатида фаолият кўрсатаяпман...

Бир сўз билан айтганда, бу болалар ота-онаси билан яшаш, уларга эркаланиш бахтидан бенасиб бўлса-да, ишончли қўлларда парвариш топиб, ҳаёт завқини туйиб яшашмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Эзгулик

АҲОЛИ МИННАТДОР БЎЛМОҚДА

Ёшлар йилида «XXX» супермаркети фойдаланишга топширилди ва яна 50 га яқин янги иш ўринлари яратилди

Деновлик Турум Мўминов 2003 йилда шаҳар марказида «Балхин» санаторийсини бунёд этиб, қарийб 40 миллион сўм эвазига қурилган икки қаватли кўркам иншоотда 40 нафарга яқин шифокор учун янги иш ўрини яратганди.

— Бугун бу ерда бўғин ва умуртқа поғонасида туз йиғилиши, буйрак-ошқозоничак йўли, ўт ҳамда нафас йўли касалликлари, бепуштлик ва асаб хасталиги билан оғриган беморларга тиббий хизматлар кўрсатилмоқда, — дейди бош шифокор Абдулла Холмуродов. — Дастлабки йилда юз нафарга яқин киши ўз саломатлигини тиклаган бўлса, ўтган 2007 йилда 500 дан ортиқ бемор дардларига дармон топишди...

Яқинда шаҳар марказида «XXX» супермаркети ҳам фойдаланишга топширилди. Ҳар томонлама кўркам ва қулай хизмат турларига эга иншоот қурилишига 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Шарқ меъморчилиги услубида бунёд этилган савдо масканининг биринчи қаватида ўттизга яқин озиқ-овқат бўлимлари мавжуд. Иккинчи қават эса ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланган.



Супермаркет очилиши қўшалоқ байрамга айланди. Уша куни бу ерда ўн нафар кам таъминланган оила фарзандларининг тўйи ҳам ўтказилди. Вилоятдаги коллежларнинг ўн нафар аълочи ёшларига стипендиялар берилди. Шунингдек, мамлакатимиз довруғини жаҳонга танитаётган спортчиларга қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

— Элнинг корига камарбаста инсонлар ярайди. Уларнинг савобли ишларидан аҳоли миннатдор — дейди меҳнат фахрийси Ўроз Шукуров. — Турумбой бунёд этган кошоналар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиш билан бирга одамларни ишли ҳам қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Муҳаммаджон ЖУМАЕВ
олган суратлар.

ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун шуни фахр билан айта оламизки, нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамиздаги кўпдан-кўп салоҳиятли олимлар мазкур университетдан етишиб чиққан. Унинг аудиторияларида таҳсил олган, устозлардан илм-фан сирларини ўрганган. Ҳозирги кунда ана шу муқаддас даргоҳ довруғини таратиб келаётган 21 нафар академик, 225 нафар фан доктори, профессор, 570 нафардан зиёд фан номзоди, доцентларнинг меҳнати, тинимсиз изланишлари туфайли Миллий университет мамлакатимиз илм-маърифат ўчоқларининг сардорига айланди. Сўнгги беш йилда университет олимлари томонидан 60 га яқин дарслик, 350 дан ортиқ ўқув қўлланмаси, 200 га яқин ўқув-услубий дастурлар яратилган. Мазкур дарсликларнинг аксарияти бугунги кунда мамлакатимизнинг туб манфаатларини кўзда тутувчи янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун қўлланмалар вазифасини ўтамоқда. Энг муҳими, университетнинг етук олимлари изидан бориб, бугун ўзлари ҳам устозлик мақомига етишган профессор-ўқитувчилар талабаларга таълим-тарбия бериш билан бирга, факультет ва кафедраларда фаннинг бўлғуси давомчиларини тайёрлашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тажрибали мураббий Раъно Сайфуллаева ана шундай жонкуяр устозлардан бири. У ўз ҳаёти, бутун борлиғини жонажон университет билан боғлаб, чорак асрдан бўён ўзбек филологияси факультетида талабаларга дарс бериб келмоқда. Ўз даврида XX аср ўзбек тилшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшган етук олим Аюб Ғуломовдан сабоқ олган, тилшуносликнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган олима кейинчалик тилимизнинг миллий ўзига хослиги, ички табиатига асосланган янги — (зотий) шаклий-вазифавий йўналишда иш олиб борди. Бу борада у илгари яратилган назарий билимлар, айниқса, профессор Ҳамид Неъматовнинг илмий тадқиқотларига таянди.

Натижада дастлаб унинг «Ҳозирги ўзбек тилида содда дарак гаплар синонимияси» мавзуида номзодлик, сўнгра «Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал тадқиқи» мавзуидаги докторлик диссертациялари юзага келди. Қатор монография ва дарсликлари, ўқув-услубий ишлари нашр этилди. Тинимсиз изланишлари ўлароқ, Раъно Сайфуллаева ўзбек тилшунослиги соҳасида биринчилардан бўлиб профессорлик унвонига сазовор бўлди.

Олима ўзининг илмий фаолияти давомида университетдаги кўп йиллик анъаналарга асосланиб, ўзбек тили синтаксисининг ҳали ўрганилмаган масалалари ечимига қўл урди. Бугунги кунда у бошқараётган ўзбек тилшунослиги кафедрасида икки йўналиш — ҳозирги ўзбек тили қурилишининг систем-структур тадқиқи ҳамда она тили таълими мазмунини янгилаш бўйича муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда.

— Мен шу муқаддас даргоҳда Воҳид Абдуллаев, Ғулом Каримов, Бердиали Имомов, Субутой Долимов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов сингари машҳур олимлар қўлида таълим олганим, улар билан бир сафда туриб ишлаганимдан фахрланаман, — **дейди Раъно Сайфуллаева.** — Биламизки, айнан шу устозларнинг саъй-ҳаракатлари билан университет республикамизда миллий тафаккур марказларидан бирига айланди, ўзбек тилшунослиги, адабий танқидчилигининг забардаст мактаби юзага келди.

Дарҳақиқат, бугун ушбу факультетдаги профессор-ўқитувчилар билан аспирант ва талабалар ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатларига ҳавас қилса арзийди. Тил ва адабиёт илмининг бўлғуси вакиллари — ёш филологларнинг илмдаги ютуқлари қамровини кўриб, устозлар мактаби муносиб давом эттирилаётганидан, Миллий университетдек мақоми ва мавқеи баланд даргоҳнинг обрўйи кун сайин юксалиб бораётганидан қувонасиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ.

Суратларда: *филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаева шогирдлари – 3-курс аспиранти Нигора Юнусова ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Турсуновалар билан; фанимизнинг умидли ёшлари.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

ДИҚҚАТ, ИЖОДИЙ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов шартлари:

— танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий- иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади;

— танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим;

— тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак;

— фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади;

— ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танлов 2008 йилнинг 10 декабрида якунланади.

Голиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар:

1-ўрин (1 та)
2-ўрин (2 та)
3-ўрин (3 та)

Голиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. тел./факс: 244-12-51, 244-15-96.

www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

Таллимаржон иссиқлик электр станцияси мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда соатига 800 минг мгв. электр энергия ишлаб чиқарилиб, халқ хўжалигига етказиб берилмоқда. Албатта, бундай ютуқларга эришишда бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг касбий маҳоратини тобора ошириб бориш талаб этилади. Ишчи-хизматчиларнинг касб маҳоратларини ошириш ва уларнинг техник хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли хил ўқув машғулотлари ва кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинади.

— Маълумки, энергетика корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги долзарб масала ҳисобланади. Шу боис «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2008 йил 3 мартдаги ва Таллимаржон ИЭСнинг 2008 йил 8 майдаги буйруқларига асосан жорий йилнинг 20 майидан 20 июнигача «Техника хавфсизлиги кўриги ойлиги» ўтказилиши ҳам айни муддао бўлди, — дейди корхона раҳбари муовини Чори Мирзаев. — Тадбир давомида турли чора-тадбирлар тузилиб, ойликни юқори савияда ўтказиш учун барча ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизимлари /ТЖАБТ/ цехида ҳафтасига икки марта амалий машғулотлар ўтилди. Бу давр мобайнида цех ишчи-ходимларидан 78 киши учун жабрланувчига биринчи амалий ёрдам кўрсатиш бўйича корхона шифокори томонидан машғулотлар ўтилди ва «Витим» тринажёрида жабрланувчини жонлантириш машқлари бажарилди. Бир сўз билан айтганда, ўтказилаётган бу каби тадбирлар ишчи-хизматчиларнинг малакасини оширибгина қолмай, ҳар бир ходимни сергак ва ҳушёр бўлишга ундамоқда ва бу иш жараёнларида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

***Суратда:** корхона ишчи-хизматчиларидан бир гуруҳи машғулот пайтида.*

Абдурасул ПАРДА олган сурат.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан бўлиб ўтган минтақавий ўқув-семинар солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, солиқ солишдаги янгиликлар ҳамда солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Унда вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда солиқ мутахассислари иштирок этдилар.

Ўқув-семинарни вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Хуррам Жўраев бошқарди.

Ўқув-семинарида республика ДСҚ солиқ солиш услубини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғи Файзулла Мирзаев, Жисмоний шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Жўрабек Ғоипов, Юридик шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси ходими Шуҳрат Ғофуров ва бошқалар солиқ тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида яратиб берилаётган имтиёзлар ҳақида атрофлича тўхталдилар. Солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга йўл қўймаслик, аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатишда НКМлардан унумли фойдаланиш, нақд пул тушумини яшириш, кирим қилинмаган товарларни сотиш сингари қонунбузарликларга йўл қўймаслик учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар алоҳида қайд этилди.

Ўқув-семинарида малакали солиқ ходимлари хўжалик юритувчи субъектлар вакилларининг турли саволларига батафсил жавоб бердилар. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчиларнинг солиққа оид билимларини ошириш мақсадида соҳага оид бошқа долзарб мавзулар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

НАРХ КЕСКИН ОШМОҚДА

АҚШда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин ошиб бормоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, 2007 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси ўрта ҳисобда тўрт фоизга ўсган. Бу вақт мобайнида оқ ноннинг нархи ўн уч фоизга, гўшт — етти фоизга ва ёнғоқ мойи — тўққиз фоизга ошган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг тобора ошиб боришига мамлакатда «қора олтин» баҳосининг кескин кўтарилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. АҚШ аҳолиси пулни тежаш мақсадида асосан консерва маҳсулотларини харид қилишни маъқул кўраётир.

«КРИСТИС» САВДО УЙИДА МАРЖОН ...

Лондондаги «Кристис» кимошди савдо уйида қимматбаҳо зийнат буюмлари тўплами 6,8 миллион фунт стерлингга (13,3 миллион АҚШ долларига) сотилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қирқ тўрт буюмдан иборат мазкур жавоҳирлар тўплами грециялик миллиардер Аристотель Онассиснинг қизи Кристина Онассисга тегишли бўлган.

Кимошди савдо уйининг вакили Реймонд Санкрофт-Бейкернинг таъкидлашича, тўпламдаги энг қимматбаҳо буюм бриллиант маржон бўлиб, унинг оғирлиги ўттиз саккиз каратга тенг. Хабарларга қараганда, мазкур ноёб маржон кутилганидан ҳам қимматроқ – 3,6 миллион фунт стерлингга сотилган.

XORIJDA

НЕФТЬ ТАНҚИСЛИГИ ТАҲДИД СОЛАДИМИ?



Нефть қазиб чиқаришнинг қийинлашиши, ер курраси аҳолининг ортиб бориши ва нефть захираси тугаши билан боғлиқ хавотирлар бу хомашё таннархининг кўтарилишига олиб келмоқда. Айниқса, ОПЕКка аъзо давлатларда нефть захираси камайиши билан боғлиқ мулоҳазалар бошқа минтақалар, жумладан, Африкадаги конларни ўрганишга қизиқиш ортишига сабаб бўлмоқда.

2006 йилдан бошлаб нефть ишлаб чиқариш саноатига эга бўлган Шимолий ва Ғарбий Африка давлатлари сафига Судан ҳам қўшилди. Чад ва Мавританияда ҳам нефть қазиб олиш йўлга қўйилди. АҚШ нефть институтининг баҳолашича, Судан нефть захирасининг ҳажми 78,8 млн. тоннани ташкил қилади. «Бритиш Петролюм»нинг йиллик маълумотномасида Судан нефть захиралари 883,8 млн. тонна, яъни АҚШ мутахассислари тахминларидан 11,2 марта кўп эканлиги кўрсатилган. Сўнгги пайтларда қитъадаги қатор давлатларда нефть қидириш ишлари олиб борилаяпти. Шу сабаб Африка давлатлари ўз тараққиётини топиладиган нефть-газ конлари билан боғлашмоқда. Аммо Африканинг минерал ресурс салоҳияти ҳанузгача етарли даражада ўрганилмаган. Шунга қарамай АҚШ 2015 йилга келиб, импорт қиладиган нефтининг тўртдан бир қисми Африка нефти бўлади, деган мулоҳазалар бор.

Кузатувчиларнинг умумий хулосасига кўра, яқин йиллар ичида жаҳон бозоридаги нефтнинг тўртдан бир қисмини Африка нефти ташкил этади. Ўз навбатида мутахассислар Африка нефти энергия етказиб берувчи давлатлар бозоридаги вазиятни барқарорлаштирувчи омил бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Чунки Африка ер юзининг бошқа нуқталарига қараганда, аниқланмаган кўп табиий бойликларга эга экани маълум.

Энг йирик нефть қазиб олувчи давлат Саудия Арабистони ҳам 5-7 йил ичида зарурат туғилганда нефть қазиб чиқаришни кунига қўшимча 3 млн. бареллгагина ошириш имкониятига эга. Бугунги кунда Россияда нефть қазиб олиш қийинлашгани сари нефть ишлаб чиқариш ҳажми ҳам аста-секин пасаймоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, Россия Федерацияси ҳам кунига қўшимча 3 млн. бареллдан ортиқ нефть ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас.

Мутахассислар нефть маҳсулотлари бозоридаги ўзгариш нафақат бошқа минтақалардаги нефть конлари, балки Африканинг нефть захираси билан боғлиқ бўлиш эҳтимоли катта, деб тахмин қилмоқда. Бу эса мазкур давлатлар келажакда нефть танқислиги таҳдидининг олдини олиши мумкинлигини англатади.

Муҳаммадали МУҲАММАДСИДИҚОВ,
сиёсий фанлар номзоди,
Нурали ПАРДАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси.

ҚАСР ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Мексиканинг Мехико шаҳридаги қадимий қалъалардан бирини қайта таъмирлаш жараёнида қадимги ацтек империяси императори Монтесума иккинчининг ҳукмронлик даврига оид қаср қолдиқлари топилди. Мексикалик археологлар гуруҳи раҳбари Эльза Хернандеснинг сўзларига кўра, топилма бир нечта хонадан иборат бўлиб, уларнинг бири императорнинг ибодатхонаси бўлган.

Маълумотларга кўра, Монтесума иккинчи эрамизнинг 1466-1520 йилларида яшаб ўтган.

ТОКИОНИНГ ОСМОНЎПАР «ДАРАХТИ»

Япония пойтахтида дунёдаги энг баланд телеминора барпо этилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, 2011 йилгача қуриладиган ушбу осмонўпар иншоот Токионинг осмонўпар «дарахти» деб номланади.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ушбу телеминора ишга туширилгандан сўнг унда Японияннинг олтита ахборот узатувчи корпорацияси, жумладан, мамлакатдаги машҳур «Эн-эйч-кей» телекомпаниясининг фаолият юритиши режалаштирилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур телеминоранинг баландлиги 610 метрга тенг бўлади. Уни қуриш учун қарийб беш юз миллион АҚШ доллари сарфланиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунда энг баланд телеминора Канададаги «Си-Энтауэр» бўлиб, унинг баландлиги 553 метрни ташкил қилади.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА, МАҲСУЛОТ ЭСА КЎПАЙМОҚДА

Сайхунобод туманидаги «Ином» фермер хўжалиги Сирдарё вилоятида ўзига хос нуфузга эга. Хўжалик йилдан-йилга деҳқончилик соҳасида ҳосилдорликни ошириб боряпти. Негаки, ҳар қарич ер ҳисобли. Вақтида маҳаллий ва минерал ўғитлар бериляпти. Айниқса, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Экин майдонларимиз жами 48 гектар бўлиб, асосан пахта ва ғалла етиштирамиз, — дейди фермер хўжалиги раиси Жамолиддин Нуриддинов. — Ўтган йили 33 гектар майдонда пахта, 15 гектар ерда эса ғалла етиштириб, йилни 13,8 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

Маълумки, вилоятимиз қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин кўплаб қудратли техника воситаларини сотиб олиш учун фермерларда ҳар доим ҳам маблағ топилавермайди. Бундай муаммоларни ижобий ҳал этишда бизга акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Сирдарё вилоят филиали мададкор бўлмоқда. Масалан ўтган йили Тошкентдаги «Ўзэкспомарказда» ўтказилган халқаро кўргазмада «МТЗ-80» русумли трактор сотиб олиш учун шартнома имзоладик. Маблағ олиш учун эса «Пахта банк»нинг Сайхунобод туман филиалига мурожаат қилдик. Банкдагилар қисқа муддатда бизга 30 миллион сўм кредит ажратиб беришди. Шу трактор туфайли ишимиз унумли, ҳосилимиз мўл бўляпти.

Оқолтин туманидаги Раззоқ Аллаёров раҳбарлигидаги «Биосфера» фермер хўжалигининг 75 гектар ер майдони бўлиб, унга ишлов беришда бир мунча қийинчиликлар учраб туришини инобатга олган «Пахта банк» Сардоба филиали бу фермер хўжалигининг молиявий ҳолатини ўрганиб чиқиб, ВТ-150 русумли ҳайдов трактори олиш учун 47 млн. сўм кредит ажратди. Сирдарё туманидаги «Фармон бобо» фермер хўжалиги эса Маматқул Мектиев раҳбарлигида 64 гектар майдондан 233 тонна пахта ҳосили кўтармоқчи. Бунинг учун контрактация шартномаси имзоланган. Банк эса фермер хўжалигига 60 млн. сўм кредитни «Беларусь-1221» русумли трактор сотиб олиш учун берди. Мирзаобод туманидаги «Қувондиқ Ҳайдаров», Оқолтин туманидаги «Кўчар йигит» фермер хўжаликларига эса «ВТ-150» русумли тракторлар олиш учун кредитлар ажратилди.

Хўжалик субъектларида айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки замонавий техникалар харид қилишда молиявий имкониятларнинг чекланганлиги муаммоси лизинг амалиёти орқали ҳал этилмоқда. Жумладан вилоят бошқармасининг филиаллари томонидан 8 та фермер хўжалигига 1 млрд. 2,3 млн. сўмлик Германиянинг «Класс» компаниясида ишлаб чиқарилган 9 дона «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайнлари лизинг асосида олиб берилди ва банк томонидан жами 1 млрд. 266,1 млн. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Жорий йил давомида вилоят «Пахта банк» филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига жами ажратилган кредитлар миқдори 483,8 млн. сўмни ташкил этди. Шундан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 453,2 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, белгиланган режа кўрсаткичи 105 фоизга уддаланди.

Шунингдек, ушбу молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 188 та янги ишчи ўринлари яратилиб, 77,9 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижро этилиши юзасидан 2008 йил тўрт ойи давомида жами 46 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамол сотиб олиш учун кредит ажратилиб, шундан банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 43 та кам таъминланган оилаларга жами 53,1 млн. сўмлик кредит берилди ёки белгиланган режа 105 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Қишлоқ ветеринария пунктлари фаолиятини ривожлантириш учун банк бўлимлари томонидан 13,5 млн. сўмлик асбоб-ускуналар ва доридармонлар сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратилди. Масалан, банкнинг Ширин шаҳар бўлими томонидан «Ширин ҳордиқ» хусусий фирмасига шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида 10 млн. сўмлик жиҳозлар ва таъмирлаш ишлари учун бандлик жамғармаси кредит маблағи ажратди. Ажратилган маблағ эвазига фирма томонидан жиҳозлар сотиб олинди ва таъмирлаш ишлари тугатилиб, бугунги кунда аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, 12 та ишчи ўрни яратилди.

2008 йилнинг биринчи чораги давомида тадбиркор аёлларга кредит ажратиш бўйича банк бошқаруви томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари ҳам бажариляпти. Банк ўз маблағи ҳисобидан 35 та тадбиркор аёлга 188 млн. сўмлик кредит маблағи ажратди. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 8,0 млн. сўмлик маблағ берилди. Банк маблағи ҳисобидан 2 та якка тартибдаги тадбиркор аёлга 10 млн. сўмлик, асосан хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиладиган (аёлларнинг сони 50 фоиздан юқори бўлган) ва улар бошқарадиган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларидан 32 тасига 185 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Жумладан, якка тартибдаги тадбиркор Зуҳра Узаедуллаева чорвачиликни ривожлантириш учун 3 йил муддатга 5,0 млн. сўм миқдорида микрокредит олганди. У шу кредит ҳисобига 6 бош соғин сигир ва 8 бош бузоқ сотиб олиб, сут ва гўшт маҳсулотлари етиштиришга ҳисса қўшиб келмоқда ҳамда 3 та ёш ўсмирни мунтазам иш билан таъминлади. Гўшт, сут маҳсулотларини сотиш эвазига оилавий даромадларини ошириб бормоқда. Бу каби мисолларни «Аҳоли кўмак савдо« шўъба корхонаси (фирма раҳбари Гулнора Бобожонова) ва «Тўмарис Ширин Нур» хусусий фирмаси (фирма раҳбари Маҳбуба Жалолова) ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган аёлларда ҳам кўришимиз мумкин...

«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритаётган «Пахта банк» филиаллари бугунги кунда тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда фаол қатнашиб, ўз мижозларига намунали банк хизматларини кўрсатмоқда. Банк томонидан доимий равишда олиб борилаётган изланишлар ҳамда амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган 2007 йил ва 2008 йилнинг ўтган беш ойи даврида ижобий натижаларга эришилди.

Банк асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатишга ихтисослашганлиги сабабли фермер хўжаликларига қулайликлар яратиш мақсадида мини банклар сони ошмоқда. Мини банклар тармоғини кенгайтириш ҳамда мунтазам фаолият кўрсатиб боришини тўла таъминлаш, уларга фермер ва бошқа мижозларни жалб қилишни кўпайтириш мақсадида Сирдарё вилоят бошқармаси филиаллари қошида жами 32 та мини банк шохобчалари ишлаб турибди. Уларда бугунги кунга келиб 1965 та қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа турли тармоқдаги мижозлар мавжуд бўлиб, шундан 1718 тасини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Мини банклар мижозларнинг молиявий ҳамкори ҳамда иқтисодий таянчи бўлиб хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, улар томонидан ўтган йил давомида 4 млрд. 233 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилган бўлиб, шундан 3 млрд. 877 млн. сўм қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мижозлар, яъни фермерлар ҳисобига тўғри келади.

Бундан ташқари, вилоятда ёш оилаларнинг маиший техника ва уй жиҳозлари харид қилишига кўмак бериш ҳамда уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиб берилмоқда. Асосан ёш оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан уларга 97,5 млн.сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан 2008 йилнинг тўрт ойи давомида филиаллар томонидан 33,5 млн. сўм миқдорида ёш оилаларга имтиёзли микрокредитлар ажратилган бўлса, 49 та ёш оилага эса 97,6 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, нақд пулсиз тўловлар тизимини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. 2008 йилнинг 1 июнь ҳолатига шаҳар ва туман бўлимлари томонидан мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкалар сони 36850 тадан ошди. Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони 143 тани ташкил этиб, жорий йилда савдо терминалларида амалга оширилган савдо оборотлари 335,4 млн. сўмдан баланд бўлди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини таъминлаш, банк ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда омонатчилар, инвесторлар ва кредиторларнинг манфаатларига мос равишда бошқарма томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга, айниқса муддатли ва жамғарма омонат турларига жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» бошқаруви томонидан амалда бўлган «Баҳор айёми», «Умид ниҳоллари», «Эгасининг номи кўрсатилмаган», «Муддатли», «Оқ олтин», «Пахтакор», «Фаровонлик», «Барака», «Саховат», «Баҳор», «Болалар келажагимиз», «Навниҳол» ва «Яхши ният» номли омонатлар тартибларига муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Бошқарма ходимлари айни кунларда ғалла ўримини бошлаб юборган ғаллакорларга, ғўза парваришини авж олдираётган пахтакор фермерларга мададкор бўлишмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

2008 йил – Ёшлар йили

ҚИШЛОҒИМИЗ ЁШЛАРИ

нафақат ўз орзу-интилишлари, балки атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқдалар, – дейди Арнасой туманидаги «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Улуғбек ҚУЧҚОРОВ

Бугун ушбу қишлоқда 5892 нафар киши истиқомат қилади. Уларнинг 3700 нафарини ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Хўш, бу ёшлар бугун нима билан банд, қандай ўй-орзулар билан яшаяпти, уларнинг қобилият ва истеъдодларини амалда намойиш этишлари, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун зарур шарт-шароитлар етарлими, имкониятлар-чи? Худди шу саволларга жавоб олиш мақсадида Арнасой туманидаги «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғинига йўл олдик.

— Қишлоғимизда уқувимни ишга солиб, имкониятлардан оқилона фойдаланаман, деган ёшлар учун зарур шарт-шароит етарли, — дейди анъанавий каратэ-до йўналиши бўйича мамлакат чемпиони, спорт устаси Санжар Ибрагимов. — Масалан, бизда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда, унда олтита тўгарак ишлаяпти. 36 нафар тенгдошим бу тўгараклар машғулотларида фаол иштирок этишади. Улар орасида қизларнинг ҳам борлиги бизни қувонтиради. Масалан, 1990 йилда туғилган Умида Аминовани олайлик. У спортнинг кураш, енгил атлетика турлари бўйича вилоят, республика миқёсидаги чемпионатларда иштирок этиб, совриндор бўлган. Кўплаб отаоналар қизларини Умидадан ўрнак олишга, унга ўхшашга даъват этишади...

— Очиғи, 3-4 ойдан бери ўзимга муносиб иш тополмаётгандим, — дейди Фотима Жиянова. — Туман марказига бориб ишлай десам, бу ёқда оила ташвишлари етарли. Нима қилишни билмай ўйланиб юрганимда қишлоқдошимиз Нилуфар Тоғаева уйида тикувчилик цехи очганини эшитиб қолдим. Бориб, ишга жойлашдим. Ҳозир дугоналарим Барно, Ирода, Гулнора, Сурайёлар билан кийимкечак тикаяпмиз. Ишхонамиз уйимизга яқин, шароити яхши, маоши ҳам ёмон эмас. Бундан хурсандмиз.

— Ҳаётда кутилмаган воқеалар бўларкан, — дейишди Улуғбек ва Ойбек. — Ота-онамиз фожиа туфайли ҳалок бўлишди. Шунда қишлоғимиз одамлари бошимизни силашди, қўни-қўшнилар ҳол-аҳволимиздан хабардор бўлиб туришди. Кўп ўтмай, Шавкат ака Эрматов бизларни уйига олиб кетди. Ҳозир шу хонадонда катта бўлаяпмиз. Бизларни ўз фарзандларидек кўриб, ҳеч нарсага зориқтирмай ўстираётган оиладан бир умрга миннатдормиз.

Кўриб турганингиздай, оддийгина қишлоқ. Унда ҳар куни тонг отиб, кун ботмоқда ва ҳаёт бир маромда давом этаяпти. Одамлар, шу жумладан, ёшлар турмушнинг ўзига хос қувончларию ташвишларини ҳис қилиб, ҳаёт лаззатларидан завқ олиб, муаммоларни енгиб яшамоқдалар. Оқсоқоллар, жамоатчилик, маҳаллакўй, ота-оналар, мураббийлар кўпроқ ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини инобатга олишади. Қисқаси, бу ерда яшаётган ҳар қайси боланинг ўзига хос қобилияти ҳамда истеъдодини вақтида илғаш, тарбиялаш ва уни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ унча катта бўлмагани учун ҳам бу ерда ҳамма бир-бирини танийди. Айниқса, ёшларнинг ҳар қадами назарда. Яхши хабар тарқалганда бутун қишлоқ қувонади, ташвишга ҳамма бирдай қайғуради. Қишлоқнинг номи, орияти, обрўси учун курашиб яшаш одатга, анъанага айланган.

— Ёш оилалар билан ишлаш, йигит-қизларимизни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни муносиб иш билан таъминлаш доимий диққат-марказимизда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Жумагул Жиянова. — Касаначилик, паррандачиликни йўлга қўймоқчи бўлганларга ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Шулар ҳисобига жорий йилнинг беш ойи давомида ишсизлик мақомини олган 17 нафар ёшнинг 12 нафари ишли бўлди...

— Булардан қишлоқда ҳамма ишлар жойида эканда, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Қўчқоров. — Тан олиб айтиш керакки, ёшларимизнинг маданий савияси ва маънавиятини юксалтириш, санъат ҳамда гўзалликка интилишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз талаб даражасида эмас. Шуларни назарда тутган ҳолда, ҳудудимизда «Ёшлар боғи» барпо қилиш, мусиқа ва санъат мактаби очиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган кичик корхонамизни ташкил қилишни режалаштирганмиз. Бу ишларни рўёбга чиқаришда бизга Тўйчи Ёқубов, Ўрол Эргашев, Низом Пардаев сингари оқсоқолларимиз, фаолларимиз ҳар томонлама кўмак беришмоқда. Энг муҳими, шу каби ниятларимизни амалга оширишда ёшларимизнинг ўзлари ҳам бевосита иштирок этишаётир...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ»

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Чилонзор тумани ҳокимияти, хотин-қизлар қўмитаси, ФХДЁ бўлими ҳамда «Наврўз» никоҳ уйи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ёш оила қураётганлар мактабининг иккинчи ўқув йили якунларига бағишланди.

— Чилонзор туманидаги «Оила — муҳаббат қасри» деб номланган ёш оила қураётганлар мактаби 2007 йил сентябрь ойида ташкил этилган эди, — дейди «Наврўз» никоҳ уйи раҳбари Вазира Юнусова. — Шу вақт давомида мактаб тумандаги ўн битта касб-ҳунар коллежи, академик лицей талабалари ҳамда туман ФХДЁ бўлими ва «Наврўз» никоҳ уйига ариза берган никоҳдан ўтиш бўсағасидаги икки юздан зиёд йигит-қизни оила қуришга тайёрлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар шу мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Тадбир якунида «Оила — муҳаббат қасри» деб номланган ёш оила қураётганлар мактаби фаол тингловчиларига эсдалик совғалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Яқинда Янгийўл туманидаги «Чаманзор» маҳалласининг «Чархпалак» деб номланган янги гузари ишга тушди.

— Ҳудудимизда 2010 нафар киши истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Рустам Абдукаримов. — Шу кунгача бизда гузар йўқ эди. «Ўткир» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ибратли ташаббус билан чиқиб, маҳалла учун гузар қуриб берди. Энди катта-кичик тадбирларни худди шу ерда ўтказиш имкониятига эга бўлдик.

***Суратда:** «Чархпалак» гузарининг кўринишидан лавҳа.*

ҲУНАРМАНДЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

Бугун юртимизда аждодларимизнинг бебаҳо меросини асл ҳолича ўрганиш, қадимий ёдгорликлар ва маданий обидаларимизни асраб-авайлаш, халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Маълумки, Урганч, Хива, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ҳар доим бой тарихи, ўзига хос табиати, кўҳна обидалари билан етти иқлимдан сайёҳларни ўзига чорлаб келган.

Яқинда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва қатор хусусий сайёҳлик ташкилотлари ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида ҳунармандларнинг анъанавий халқаро фестивали ўтказилди. Мазкур тадбир давомида юртимизда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ҳамда аждодларимиз бой маданий мероси, хусусан, урф-одатларини кенг тарғиб этиш лозимлиги ҳақида сўз борди.

Фестивалда юртимиз вакиллари билан бирга қўшни давлатлардан келган ҳунармандлар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳунармандларининг гиламдўзлик, заргарлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги намуналари ўзига хослиги, бежиримлиги билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

— Табиий бўёқлардан фойдаланиб тайёрлаётган адрасларимиз харидорларга манзур бўлмоқда, — дейди Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази раҳбари Расулжон Мирзаахмедов. — Фестиваль давомида ҳунармандларимизнинг маҳсулотлари хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Лазизбек ВОҲИДОВ

EURO2008 Austria-Switzerland

ТУРКЛАР ЯНА БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

XIII Европа чемпионатида қайси жамоа ғолиб чиқади-ю, кимлардан омад юз ўгиради? Ҳар бир учрашуви олам-олам ҳаяжонга лиммо-лим ўтаётган қитъа баҳсларида бу каби саволларга жавоб беришга ҳеч ким шошилаётгани йўқ. Бунга, аввало муросасиз кечаётган баҳслар, қутилмаган натижалар қайд этилаётгани сабаб бўлмоқда.

Мусобақанинг «С» гуруҳи иккинчи тур ўйинларида Италия — Руминия, Голландия — Франция терма жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Дастлабки учрашувда голландияликларга 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйган амалдаги жаҳон чемпиони — Италия терма жамоаси бу гал ҳам майдондан бош эгиб чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Ўйиннинг 55-дақиқасида руминлар ҳисобни очишган бўлса, орадан бир дақиқа ўтиб Италия футболчилари ўртадаги фарқни йўққа чиқаришди. Агар иккинчи бўлим охирларида руминиялик ҳужумчи Адриан Муту амалга оширган пенальти йўлига Жанлуижи Буффон тўғаноқ бўлмаганида, учрашувда ҳисоб мутлақо бошқача кўриниш олиши мумкин эди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса Голландия терма жамоаси Франция футболчиларини 4:1 ҳисобида доғда қолдириб, муддатидан илгари чорак финалга йўлланма олди.

Швеция — Испания терма жамоалари учрашуви «Д» гуруҳи пешқадами номига ойдинлик киритди. Гарчи, ўйинда испанияликлар тўлиқ устунлик қилган бўлса-да, учрашув тақдири сўнгги сонияларда ҳал бўлди — 1:2. Гуруҳдаги Греция — Россия терма жамоалари баҳсида йирик ҳисоб қайд этилиши мумкин эди. Бироқ кўпгина қулай вазиятларни йўққа чиқарган россиялик футболчилар кичик ҳисобдаги ғалаба билан кифояланишди — 0:1.

Чемпионат гуруҳ баҳсларини биринчи бўлиб «А» гуруҳи қатнашчилари ниҳоясига етказдилар. Икки учрашув якунига кўра, кейинги босқич масаласини муддатидан аввал ҳал қилган Португалия терма жамоаси бу сафар мезбонлар — Швейцария футболчиларига қарши майдонга тушди. Унда Хакан Якин томонидан киритилган икки тўп швейцарияликларга илк ва мусобақадаги охирги ғалабани туҳфа қилди — 2:0.

Гуруҳнинг иккинчи бахтли жамоаси номини аниқлаб берувчи Туркия — Чехия футболчилари учрашуви чехияликлар учун драматик тарзда ниҳоясига етди. Ўйинни кўтаринки руҳда бошлаган Карел Брюкнер шогирдлари кетма-кет икки маротаба Туркия терма жамоасини учрашувни майдон марказидан бошлашга мажбур қилишганида кўпчилик Чехия футболчилари ғалабасига ишона бошлаган эди. Аммо ўйин тугашига йигирма беш дақиқа қолганида майдондаги вазият мутлақо бошқача кўриниш олди. Бу таблодаги ҳисобда ҳам ўз аксини топди. Аввалига Арда Турон, сўнгра Нихат Қаҳвачилар томонидан киритилган тўплар туркиялик ишқибозлар қалбида умид учқунларини ёққан бўлса, асосий вақтдаги тўхталишлар учун қўшиб берилган саноқли дақиқаларда Нихат Петр Чех дарвозасини иккинчи бор аниқ нишонга олиб, ўз жамоасига чорак финал эшикларини очиб берди — 3:2. Охирги сонияларда чехияликларнинг илк тўпи муаллифи Ян Коллерга нисбатан қўполлик қилган Туркия дарвозабони Вулқон Демирэл майдондан четлатилиб, унинг ўрнини ҳужумчи Тунжай Санли эгаллади. Аммо бу чех футболчилари ҳисобни тенглаштиришига ёрдам бера олмади. Шундай қилиб, матонат билан чиройли ғалабага эришган Фотиҳ Терим шогирдлари гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланма олди. Энди туркияликлар чорак финалда «В» гуруҳи пешқадами Хорватия футболчиларига қарши майдонга тушади. Эслатиб ўтамиз, туркияликлар иккинчи турда ҳам мезбонларни худди шу тарзда мағлубиятга учратишганди.

Кеча кечқурун «В» гуруҳида ҳам сўнгги тур ўйинлари ўтказилди. Унда Польша — Хорватия, Австрия — Германия терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бугун «С» гуруҳидан жой олган Голландия — Руминия, Франция — Италия футболчилари навбатдаги йўлланмалар соҳибларини аниқлаб беради.

Эркин ХОЛБОБО

17 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

«АЖАЛ УРУҒИ» СОТАЁТГАНЛАР

сарҳадларимизни бузиб ўтмоқчи бўлган оғуфурушлардан 130 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддалари олинди

Гиёҳвандлик аср вабосидир. Бугун ундан жаҳон халқлари азият чекмоқда. У инсон саломатлиги, келажак авлодлар тақдирига соя солаётир. Гиёҳвандлик моддаларининг, айниқса, қўшни Афғонистонда кўплаб етиштирилаётгани ён қўшни сифатида бизга ҳам кўп ташвиш туғдирмоқда.

«Ажал балоси» орқали бойлик орттиришни мақсад қилган айрим афюнфурушлар эса мамлакатимиз чегараларидан қонунсиз ўтишга уринишмоқда. Она Ватанимиз сарҳадлари ишончли қўлларда. Чегарачиларимиз туну кун ҳушёр. Жорий йилнинг ўтган қисқа даврида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари бир неча бор ана шундай қора ниятли кишиларни чегарада ушлашди.

Шу йилнинг 16 апрелида афғонистонлик Ғаффор Ҳасан ўғли юртимиз ҳудудига шум ниятда ўтганида Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди. Текширувдан ўтказилганда, у 31 килограмм 111 грамм «опий» гиёҳвандлик моддасини ҳудудимизга олиб ўтгани аниқланди.

Балх вилоятида истиқомат қилувчи Муҳаммад Назар ўғли эса бошқа юртдошларидан «чаққон» экан. У қарийб 25 кг. «опий» ва 20 кг. 403 грамм «гашиш», жами 45 кг. 301 грамм гиёҳвандлик моддаларини Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтаётганда сири ошкор бўлди...

Мозори шарифлик Жавалд Нажиб Али Муҳаммад шу йилнинг март ойида қарийб 12 килограмм гиёҳвандлик моддаси билан қўлга олинган бўлса, унинг ҳамюрти Исо Муҳаммад Ризо ҳам 14 апрелда 11 килою 400 грамм «опий» билан чегарадан ўтаётганда ушланди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Мозори Шарифда истиқомат қилувчи Абдурауф Муҳаммад Шариф ўғли 9 килограмм миқдоридаги ажал тарқатувчи восита билан қўлга тушди. Апрелнинг сўнгги кунларида эса яна бир Мозори шарифлик Ғулом Музаффар ўғли Миллий хавфсизлик ходимларининг тузоғига илинди. 21,5 кило «ажал уруғи» манзилига етмади.

Остонаси обод юртимиз йил сайин ривожланмоқда. Янгиланиш, бунёдкорликлар сари дадил одимлаяпмиз. Яхши ниятлар билан юртимизга келаётганларни қучоқ очиб кутиб оламиз. Аммо нопок мақсадлар билан келганлар қонун олдида жавоб беради, жиноятларига яраша жазо олишади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Европа яшил майдонларида қитъа чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда Осиёда 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг учинчи босқич ўйинлари давом эттирилди. Мусобақанинг тўртинчи гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси ўз майдонида Ливан футболчиларига қарши майдонга тушди.

Бунгача тўртта учрашувнинг барчасида ғалаба нашидасини сурган Рауф Инилеев шогирдлари муддатидан илгари кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритганди. Шунга қарамай, тўқсон дақиқа мобайнида футболчиларимиз уюшқоқлик билан тўп суриб, рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди. Ёдингизда бўлса, шу йилнинг февралида Байрутда ўтган илк учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси Одил Аҳмедовнинг киритган ягона голи эвазига зафар қучганди. Тошкентда ўтказилган жавоб ўйинида ҳам Одил ҳисобни очди. Орадан кўп ўтмай яна унинг ўзи ҳисобни 2:0 га етказди. Ливанликлар дарвозаси томон белгиланган пенальтини ноаниқ амалга оширган Сервер Жепаров учрашувнинг сўнгги дақиқаларида рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, терма жамоамизнинг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Саудия Арабистони терма жамоаси сафарда Сингапур футболчиларини 2:0 ҳисобида енгди.

Энди Рауф Инилеев шогирдлари гуруҳдаги охирги ўйинни 22 июнь куни Ар-Риёдда Саудия Арабистони вакилларига қарши ўтказади.

Гулрўҳ ТУРДИЕВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda